



ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ АСОСИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ

PhD, доц. Абдуллаев Жавоҳир Абдумалик ўғли
Республика таълимни ривожлантириш илмий-методик маркази
ORCID: 0009-0001-4743-0118
j.abdullayev@trm.uz

Аннотация. Ушбу илмий мақолада давлат, бизнес, нотижорат ташкилотлар ва таълим муассасаларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини таъминловчи давлат-хусусий шериклиги механизмларини қўллаш асосида Ўзбекистон олий таълим соҳасини жаҳонда юз бераётган модернизация жараёнларига мос равишда трансформациялаш қилиш учун амалга ошириш зарур бўлган долзарб масалалар баён этилган.

Калит сўзлар: давлат-хусусий шериклиги, глобал бозор, инновация, таълим хизматлари, инсон капитали, модернизация, трансформация, нотижорат ташкилотлар, миллий иқтисодиёт, ижтимоий сектор, меҳнат бозори.

ТРАНСФОРМАЦИЯ УСЛУГ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ НА ОСНОВЕ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА

PhD, доц. Абдуллаев Жавоҳир Абдумалик ўғли
Научно-методического центра развития образования

Аннотация. В данной научной статье описаны актуальные вопросы, которые необходимо реализовать для преобразования сектора высшего образования Узбекистана в соответствии с модернизационными процессами, происходящими в мире, на основе использования механизмов государственно-частного партнерства, обеспечивающих взаимовыгодное сотрудничество между государством, бизнесом, некоммерческими организациями и образовательными учреждениями.

Ключевые слова: государственно-частное партнерство, глобальный рынок, инновации, образовательные услуги, человеческий капитал, модернизация, трансформация, некоммерческие организации, национальная экономика, социальная сфера, рынок труда.

TRANSFORMATION OF HIGHER EDUCATION SERVICES BASED ON PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP

PhD, assoc. prof.

Abdullaev Javokhir Abdumalik Ugli

Scientific and Methodological Center for the Development of Education

Annotation. This scientific article describes the current issues that need to be implemented in order to transform the higher education sector of Uzbekistan in accordance with the modernization processes taking place in the world, based on the use of public-private partnership mechanisms that ensure mutually beneficial cooperation between the state, business, non-profit organizations and educational institutions.

Keywords: public-private partnership, global market, innovation, educational services, human capital, modernization, transformation, non-profit organizations, national economy, social sector, labor market.

Кириш.

“Билимлар иқтисодиёти” ва инсон капиталини ривожлантириш зарурати шароитида давлат ва бизнеснинг таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиги принципларидан янги хусусиятлар ва фаолият механизмларига эга бўлмоқда.

Бир томондан, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга эканлиги сабабли таълим соҳасини тўлиқ хусусийлаштириш мумкин эмас, иккинчи томондан, давлат тизимида тез ўзгарувчан замонавий меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишни таъминлайдиган самарали бошқарув ва молиялаштириш механизми мавжуд эмас.

Юқорида таъкидланган қарама-қаршиликни бартараф этиш мақсадида, бугунги кунда жаҳон амалиётида таълим фаолиятини ривожлантиришда иштирок этиш билан боғлиқ рисклар, мажбуриятлар ва харажатларни ўз зиммасига олган ҳолда давлат, бизнес, нотижорат ташкилотлар ва таълим муассасаларининг ўзаро манфаатдорлиги учун шарт-шароит яратадиган давлат-хусусий шериклиги шаклидан фойдаланилмоқда.

Олий таълим – “**Таълим-тадқиқот-инновацияларни оммавий ривожлантириш**” инновацион циклининг биринчи бўғини бўлиб ҳисобланади. Билимлар иқтисодиёти шароитида, олий таълим соҳаси нафақат интеллектуал капитални қайта ишлаб чиқаришнинг муҳим қисми сифатида, балки, миллий иқтисодий тизимларни рақобатбардош афзалликларининг инновационлигини таъминловчи иқтисодий ўсишнинг доминант вектори сифатида ҳам намоён бўлади.

Бу эса, Ўзбекистон олий таълим соҳаси олдида жаҳон таълим майдонида юз бераётган трансформацион ўзгаришларга мослашиш зарурлиги билан боғлиқ бўлган куйидаги долзарб вазифаларни амалга оширишни талаб этади:

Биринчидан, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг инновацион модели;

Иккинчидан, таълим хизматларини етказиб берувчилар ва истеъмолчиларнинг ижтимоий эҳтиёжлари;

Учинчидан, инновациялар, меҳнат ва таълим бозоридаги глобал бозор талаблари.

Муаммонинг бундай шаклда юзага келиши, таълим соҳасидаги таркибий-функционал трансформацияни амалга ошириш доирасида давлат, хусусий ва ижтимоий секторлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги шакллари тадқиқ этишни тақозо этади.

Адабиётлар шарҳи.

Олий таълим соҳасида давлат-хусусий шериклигини ривожлантиришнинг сифат кўрсаткичлари нафақат таълим соҳасида, балки миллий иқтисодийнинг инновацион характерини амалга ошириш учун иқтисодий субъектларнинг интеграциялашган ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш мақсадида ушбу шаклдан самарали фойдаланишни белгилайди.

Давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг назарий ва амалий асосларини кўплаб хорижий олимлар асарларида кўриб чиқилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги олимлардан ДХШ концепцияси ва унинг асосий фундаментал масалалари Варнавский (2004), Вилисов (2007), Дерябина (2008), Кабашкин (2011), Клименко, Королев (2010), Панкратов (2010), илм-фан ва таълим соҳасида ДХШни қўллаш хусусиятлари Молчанов (2009), олий ва ўрта махсус касб ҳунар таълимини молиялаштириш Бабич (2002), Ишина (2000), Каткова (2008), бевосита таълим хизматлари бозорида ДХШ масалалари Роцин (2000) ва бошқалар асарларида тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини шакллантириш, бевосита таълим хизматлари, олий ва ўрта махсус касб ҳунар таълим тизимини ривожлантириш, ДХШ механизминини ривожлантиришнинг илмий-назарий, ташкилий-ҳуқуқий ва методологик асослари республикамизнинг иқтисодчи олимларидан Ғуломов, Абдураҳманов (2004), Раҳимова, Абдураҳманов (2005), Саидов (2001), Пардаев (2008), Тўраев (2009), Юсупов, Карабаев (2013), Олланазаров (2019), Джуманиязов (2018), Халмуратов (2021), Садуллаева (2018) ва бошқаларнинг асарларида кенг ёритилади.

Миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистонда иқтисодчи олимлардан Юсупов ва Карабаев (2013) БМТ тараққиёт дастури доирасида ДХШнинг шаклланиши ва ривожланишининг айрим назарий-услубий масалаларини тадқиқ қилганлар.

Шунингдек, Джуманиязов (2018) томонидан эса ДХШ асосида уй-жой қурилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштиришга йўналтирилган изланишлар олиб борилган бўлиб, бироқ ушбу илмий изланишларда олий таълим тизимида ДХШ механизмларини самарали қўллаш ва ривожлантириш истиқболлари мустақил тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилмаган.

Белый ва Романовалар (2010) томонидан “Олий таълимда давлат-хусусий шериклиги: ўзаро таъсир йўналишлари” мавзусида олиб борилган тадқиқот ишида олий таълимнинг мазмун-моҳияти ва сифатини баҳолаш, олий таълим соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, фан ва инновациялар интеграцияси, олий таълимни иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва қўшма инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар ўрганилган.

Шу билан бирга, Дмитриева (2012) томонидан амалга оширилган “Олий таълим соҳасида давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш” мавзусидаги тадқиқот ишида мамлакатни иқтисодий ривожлантиришни рағбатлантириш механизми сифатида олий таълим соҳасида давлат-хусусий шериклиги моделларини қўллаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, Новиковнинг (2007) “Давлат-хусусий шериклиги таълим хизматлари соҳасини трансформация қилиш механизми сифатида” мавзусидаги илмий ишида таълим хизматлари сифатини баҳолашни давлат-хусусий мониторингини амалга ошириш, глобаллашув шароитида таълим хизматларининг ҳаётийлик циклини ўзгартириш моделлари тадқиқ этилган.

Бироқ, ушбу илмий ишларда олий таълим соҳасида таълим сифатини таъминлашнинг муҳим механизми сифатида давлат-хусусий шериклигини жорий қилиш билан боғлиқ масалалар яхлит илмий изланиш сифатида амалга

оширилмаганлиги илмий мақоламизнинг мақсади ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур илмий мақоламизни ёзиш учун олиб борилган тадқиқот жараёнида илмий мушоҳада, абстракт-мантиқий фикрлаш, суҳбат, статистик, иқтисодий, молиявий, эконометрик моделлаштириш усулларидан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

«Билимлар иқтисодиёти» шароитида глобал рақобат – жаҳон иқтисодиётининг нафақат таркибий, балки, хизмат кўрсатиш соҳасининг устунлиги, билим интенсивлигининг ўсиши, ахборотлашув, интеграциялашган ишлаб чиқариш, иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилган турини шакллантириш, шунингдек, инсон капиталини ривожлантиришнинг илмий ва таълим концепцияларини қайта кўриб чиқиш каби энг муҳим хусусиятларида намоён бўладиган функциялар контурларини ҳам трансформациялашни талаб этмоқда.

Айнан, **олий таълим** - миллатнинг интеллектуал капиталини шакллантириш тизими ва инновацион ишлаб чиқаришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида технологиялар ва маҳсулотларни жадал янгилаш асосида бозорларнинг интенсив ўсиши учун асосий шарт-шароитларни яратади. Олий таълим – **“Таълим-тадқиқот-инновацияларни оммавий ривожлантириш”** инновацион циклининг биринчи бўғини бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга, олий таълим соҳаси нафақат интеллектуал капитални такрор ишлаб чиқаришнинг зарур элементи, балки миллий иқтисодий тизимларнинг ташқи ва ички рақобатбардош устунликлари барқарорлигини белгиловчи иқтисодий ўсишнинг асосий жиҳати сифатида ҳам намоён бўлади.

Миллий иқтисодиётнинг индивидуал ва ижтимоий интеллектуал капитални қайта ишлаб чиқариш қобилияти, бу – миллатнинг иқтисодий тафаккур даражасини амалга оширади, кўп жиҳатдан иқтисодий куч, фаровонлик, унинг стратегиясини танлаш ва глобал дунё тартибида кейинги ривожланиш траекториясини белгилайди.

Бу эса, Ўзбекистон олий таълим соҳаси олдида жаҳон таълим майдонида юз бераётган трансформацион ўзгаришларга мослашиш зарурлиги билан боғлиқ бўлган қуйидаги долзrab вазифаларни амалга оширишни талаб этади:

Биринчидан, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг инновацион модели;

Иккинчидан, таълим хизматларини етказиб берувчилар ва истеъмолчиларнинг ижтимоий эҳтиёжлари;

Учинчидан, инновациялар, меҳнат ва таълим бозоридаги глобал бозор талаблари.

«Билимлар иқтисодиёти»га асосланган глобал олий таълим маконини аниқлаш – олий таълим хизматлари соҳасини ижтимоий лойиҳалаштириш билан боғлиқлигини тартибга солади ва ижтимоий-иқтисодий тизимларни трансформациялашнинг умумий вектори, олий таълим хизматлари соҳасини таркибий ва функционал модернизация қилишнинг тарихий мантиғи, шунингдек, олий таълим хизматларининг трансформацион динамикасини амалга оширишнинг институционал механизмлари секторини танлашни олдиндан белгилаб беради.

Бошқача айтадиганда, олий таълим хизматлари соҳасини трансформация қилиш – жамиятнинг маълум бир соҳасининг мазмуни ва функцияларини шунчаки ўзгартириш эмас, балки янги мақсадлар, дастурлар, лойиҳалар, технологияларни шакллантириш орқали глобал ташқи муҳит ўзгаришларига миллий олий таълим бозорига мослаштириладиган энг аҳамиятли ва истиқболлиларини танлаб олиш доирасида берилган ўзгаришларнинг ўлчови сифатида миллий иқтисодиётда содир бўладиган ўзгаришларни оптималлаштириш шартидир.

Кенг маънода билимлар иқтисодиёти – бу иқтисодиёт ривожланишида билим ва инновациялар устунлик қиладиган иқтисодиётдир (Our Competitive Future, 1998).

Билимлар иқтисодиётининг пайдо бўлиши билимнинг ишлаб чиқариш омили сифатидаги ролининг ортиши ва унинг малака, ўрганиш, ташкил этиш ва инновацияларга сезиларли таъсири билан тавсифланади (Houghton, and other, 2000).

Билимлар иқтисодиётида билим феноменининг моҳияти, функциялари, ўзгариши ва ишлатилиши билан боғлиқ асосий назарий ва услубий масалаларга турли ёндашувларни бирлаштирадиган ягона концептуал платформа ишлаб чиқилмаган.

Билимлар иқтисодиётини талқин қилишдаги фарқлар ушбу ҳодисанинг турли хил урғулари билан белгиланади ва умуман олганда, бир нечта концептуал ёндашувларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Билимлар концепцияси ҳокимият манбаи сифатида;
2. Билимлар концепцияси иқтисодий тараққиёти янги ресурси (ишлаб чиқариш омили) сифатида;
3. Билимлар концепцияси ахборот жамияти ривожланишининг энг муҳим натижаси сифатида;
4. Билим концепцияси билимнинг кодланган ва кодланмаган элементлари мажмуи сифатида;
5. Билим концепцияси интеллектуал мулкнинг ўзига хос маҳсулоти сифатида;
6. Билимлар концепцияси аралаш товар сифатида.

Билимлар иқтисодиётини талқин қилишдаги фарқларни акс эттирувчи билимлар иқтисодиётининг асосий тушунчалари қуйидаги 1-расмда келтирилган.



1-расм. Билимлар иқтисодиёти концепцияси

Манба: муаллиф ишланмаси.

Билимлар иқтисодиётининг турли концепцияларига асосланиб, замонавий иқтисодиётда билим функцияларининг трансформациясини шакллантириш мумкин, чунки билимга асосланган иқтисодиётда жамият ва иқтисодиётда билимлар бажарадиган функцияларнинг таркиби сезиларли даражада кенгайиб бормоқда.

Замонавий иқтисодиётда билимлар функцияларини ўзгариши – барча олий таълим парадигмаларини трансформация қилувчи олий таълим хизматлари бозорининг миллий субъектларини сифат жиҳатдан янги “ўзаро таъсир майдони”ни вужудга келтирадиган, илгари мавжуд бўлган миллий олий таълим тизимини трансформация қилиш давомида олий таълим хизматларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жараёнида сифат жиҳатдан янги босқични белгилаб берувчи олий таълим хизматлари соҳасини ҳам трансформациялади.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтганда, бундай шароитда, Ўзбекистон олий таълим соҳаси учун инновацияларни оммавий ривожлантириш мақсадида илмий билимларни тарқатиш ва жорий этиш механизмлари, билимларни тижоратлаштириш ва уни амалиётга татбиқ этишга мослаштирилган кодлаштирилган билим оқимларининг ўсиши билан боғлиқ бўлган инновацион ечимларни амалга ошириш функцияси фаоллаштирилади.

Шундай қилиб, олий таълим хизматлари соҳасининг "билимлар иқтисодиёти"даги ролини трансформация қилиш қўйидаги энг муҳим шартлар билан боғлиқ:

1. Илмий билимлар, маълумотлар ва ўқитишнинг кенг тарқалиши (мослашувчанлик, модулилик, узлуксизлик, кўп босқичлилик);

2. Янги билимларни қабул қилувчи инсон капиталини ривожлантириш, шу жумладан ишчиларни бутун умри давомида тайёрлаш ва малакасини ошириш учун шарт-шароитларни таъминлаш, иқтисодиётнинг давлат ва хусусий секторлари ўртасида, шунингдек, касбий соҳаларнинг турли соҳалари ўртасида ишчиларнинг касбий ҳаракатчанлигини рағбатлантириш;

3. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги билимлар оқимидаги сезиларли трансформациялар, саноат инновациялари улушининг ўзгариши, патентлар ва илмий нашрлар сонининг кўпайиши, шунингдек, илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларни халқаролаштиришни ривожлантириш;

4. Инновацион инфратузилмани, инновацион тармоқларни ривожлантириш ва глобал инновацион кластерларни шакллантириш асосида “таълим – тадқиқот – инновацияларни оммавий ривожлантириш” циклидаги муносабатларни мустаҳкамлаш;

5. Иқтисодиёт ва жамиятнинг инновацион мойиллигини оширишга хизмат қилувчи тегишли таркибий қисмларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминловчи давлат ва хусусий институтларни (шу жумладан, янги билим ва инновациялардан фойдаланишга асосланган иқтисодий ривожланишда давлат-хусусий шериклик ҳамда давлат ва бизнеснинг ўзаро жавобгарлиги) ривожлантириш.

Адабиётлар / Литература / Reference

Садуллаева Г.С. (2018) Ўзбекистонда таълим хизматлари бозорини ривожлантириш истиқболлари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. 6-сон, ноябрь-декабрь.

Саидов М.Х., Перегудов Л.В. (2001) Менеджмент и экономика высшего образования. – Т.: Молия, – 252 с.

Houghton, John, and Sheehan, Peter. A (2000) *Primer on the Knowledge Economy*. Victoria University: Centre for Strategic Economic Studies. Melbourne.

Our Competitive Future: (1998) Building the Knowledge Economy. United Kingdom Department of Trade and Industry: London.

Олланазаров Б. (2019) Давлат-хусусий шерикчилиги механизми асосида туризм соҳасида инвестицион фаолликни ошириш йўналишлари. // Хоразм Маъмур академияси ахборотномаси. – Хива, №1. 36-41-б.

Бабич А.М., Павлова Л.Н. (2002) Государственные и муниципальные финансы: Учебник для вузов // М.: ЮНИТИ, - 687 с.;

- Белый Е.М., Романова И.Б. (2010) Государственно-частное партнёрство в высшем образовании: направления взаимодействия // Интеграция образования. № 3. С. 3-8.
- Варнавский В.Г. (2004) Альянс на неопределенный срок // Журнал «ФельдПочта» № 29. -С. 5-14;
- Варнавский В.Г., Клименко А.В., Королев В.А. (2010) Государственно-частное партнерство: теория и практика // М.: Изд. дом Гос. ун-та - Высшей школы экономики. - 287 с.
- Велисов М.В. (2007) Государственно-частное партнерство: политико-правовой аспект // Журнал «Власть» № 7. - С.14-19;
- Гулямова С.С, Абдурахмонова К.Х. (2004) Образование и человеческое развитие: Мировая практика и опыт Узбекистана. Монография. – Т.: ТГЭУ, – 170 с.
- Дерябина М. (2008) Государственно-частное партнерство: теория и практика // Вопросы экономики № 8. - С.61-77.
- Джуманиязов У.И. (2018) Давлат-хусусий шерикчилиги асосида уй-жой қурилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизмлари тақомиллаштириш. И.ф.ф.д. ... дис. автореф. – Т.: ТДИУ, - 27 б.;
- Дмитриева Е.А. (2012) Диссертации на соискание научной степени кандидата экономических наук по теме "Развитие государственно-частного партнерства в сфере высшего профессионального образования", 2.
- Ишина В.И. (2000) Управление внебюджетными ресурсами ВУЗов// «Университетское управление: практика и анализ» № 4(15). С. 10-18;
- Кабашкин В.А. (2011) Государственно-частное партнерство в регионах Российской Федерации // М.: издательство «Дело» -120 с.
- Каткова М.А. (2008) О взаимосвязи институтов // «Ноосферная и постиндустриальная экономика» №1-2. С. 46-50;
- Молчанова О.П. (2009) Государственно-частное партнёрство в образовании: сб. научн. тр. / МГУ им. М.В. Ломоносова; [под ред. О.П. Молчановой, А.Я. Лившина]. М.: Университет книжный дом, -242 с.
- Навиков В.С. (2007) Институциональная трансформация рынка образовательных услуг // Экономический вестник РГУ, №2.
- Пардаев М.Қ., Мусаев Ҳ.Н. (2008) умумий таҳрири остида. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.: Iqtisod-moliya, – 259 б.;
- Панкратов А.А. (2010) Государственно - частное партнерство в современной практике: основные теоретические и практические проблемы. Монография. // М.: Издательство «АНКИЛ» - 248 с.;
- Рахимова Д.Н., Абдурахмонов О.К., Зокирова Н.К. (2005) Образовательный маркетинг и рынок труда. – М.: Сов.писатель, -144 с.
- Рощин С.Ю., Разумова Т.О. (2000) Экономика труда: Экономическая теория труда: Учебное пособие для вузов // М.: ИНФРА-М. - 400 с.;
- Тураев Б.Х. (2009) Организационно-экономические механизмы регионального туризма. – Т.: Фан.
- Халмуратов Қ. (2021) Қорақалпоғистон Республикасида хизматлар соҳасида ДХШнинг ташкилий-иқтисодий механизмини тақомиллаштириш. PhD илмий даражаси учун дисс. авторферати. – Нукус: ҚорДУ, – 63 б.
- Юсупов Н., Карабаев Ф. (2013) Теория и практика государственно-частного партнерства. Учебный модуль. / Под. редак. А.Э.Шайхова. – Т., www.undp.uz.